USAID
ОТ АМЕРИКАНСКОГО НАРОДА

## Ўзган шаҳар Амир Темур
## номли 5-ўрта мактаб

## USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси

Саводга ўргатиш

# Мавзу: Қ товуши ва қ ҳарфи

**Бажарган бошланғич синф ўқитувчиси: М.Алимжонова**

USAIDнинг «Окуу керемет» лойиҳасига дарс ишланмаси

. Умумий маълумот

| | |
|---|---|
| Область, район: Ўш вилояти , Ўзган шаҳри | Мактабнинг номи: Амир Темур номли №5 ўрта мактаб |
| Ўқитувчининг исми ва фамилияси: Мухаяхон Алимжанова | Синф: 1- синф |
| Фан: Саводга ўргатиш. | Дарснинг мавзуси: Қ товуши ва қ ҳарфи |

| № | Дарс этаплари | Вақт 40-45 минут | Ўқитувчи фаолияти | Ўқувчи фаолияти | Кузатувчанлик НК | ПК | Баҳолаш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ташкилий қисм | 2- минут | Ассалому алайкум азиз болалар. Синфимизда ҳамма ўқувчилар борми? Биз саводга ўргатиш дарсимизни ўтишга тайёрмизми?<br>Қаранг болалар, бизнинг ўлкамизга кумуш қиш ўзининг оппоқ қор парчаларини ўйнатиб, арча байрамлари бўлишидан, янги йил келишидан хабар бериб, кириб келди. Келинг, бугунги дарсимизни бошлашимиздан олдин бир-биримизга янги йилда эзгу тилаклар тилаб яхши кайфият улашсак ва мен сизларга қор парчалари, арча ва қорбобо ларни тарқатсам.(Расмларга қараб бўлинадилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига қараб расмларни беради ва “Окуу керемет” лойиҳасининг “Станцияларни ротациялаш” усули билан дарс ўтилишини тушунтиради. | Навбатчи: Устоз, бизнинг синфимизда рўйхат бўйича 25ўқувчи бўлиб, улардан ҳаммаси дарсга қатнашмоқда. Биз саводга ўргатиш дарсини ўтишга тайёрмиз.<br>Ўқувчилар янги йил келишидан хурсанд бўлиб, бир- бирларига янги йил тилакларини айтишади ва ўқитувчининг қор парчалари, арча ва қорбобо расмларини оладилар ва гурухларга бўлинадилар.<br>1- станцияда Қорқиз гурухи<br>2- станцияда - арча гурухи<br>3- станцияда –қорбобо гурухи<br>4- станция- бўш бўлади | АК-1<br>АК-3 | Ф К-2<br>Ф К-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Мотивация | 3- минут | Шундай экан, сиз келажакда энг яхши мақсад ва тилакларга етишишингиз учун, албатта, нима қилиш керак?<br>Яхши ўқиш учун олтин қоидаларга амал қилиш керак. Ўқувчиларга ўқитувчи ҳар бир гуруҳга 2 тадан ўйинчоқ қор парчаларини беради. | Ўқувчилар арча ўйинчоғи шаклидаги қор парчаларига биттадан олтин қоида ёзиб, (албатта ўқитувчи ёрдамида) синф дарстахтасидаги Арчага иладилар ва олтин қоидаларни такрорлайдилар | АК-1 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |
| 3. | Ўқув масалаларини шакллантириш ва ўқув фаолиятини аниқлаш | 3- минут | Азиз ўқувчилар, мен сизларни бизнинг бугунги дарсимизнинг мақсади, кутилувчи натижалари билан таништириб, сизларга эса энг яхши тилакларимни айтсам.<br>Дарсда яхши ўтириб, дарсларга яхши қулоқ солиб, бугунги дарсда ўзингизга яхши нарсалар олинг. Ҳарф ва товушларни яхши ўзлаштиринг. Тўғри ва тез ўқишни ўрганинг.<br><br>Дарсимизнинг мақсади:<br>**1.Таълимий:** Қ товушини бошқа товушлардан фарқлай олади. Қ тоқушини талаффуз қилади. К билан Қ ни айирмалайди<br><br>**2.Ривожлантирувчи:**; Гап туза олади, онгли равишда атрофни кузатади<br><br>**3.Тарбиявий:** дўстлашиш дўстларига ёрдам бериш ўрганади,расм асосида хиқоя туза олади. | Ўқувчилар, бугунги дарснинг мақсади, дарс сўнгида кутилувчи натижалари билан танишадилар, ўқитувчининг энг яхши тилакларини эшитадилар.<br><br>Ўқувчилар ўқитувчини диққат билан тинглайдилар.<br><br>Кутилувчи натижалар:<br>**1.Таълимий:** Қ товушини талаффуз қила олади. Сўз,гап,гаплардан матн туза олади. Сўзларни бўғинга ажрата олади. Қ билан К товушини ажратади.<br><br>**2.Ривожлантирувчи:** Оғзаки нутқи ва фикрлаш қобилияти ўсади.Сўзлар таркибидаги товушлар ўрнини аниқлай олади.<br><br>**3.Тарбиявий**: Дарсга бўлган қизиқиши ортади. Бошқалар билан муомила тузишни ўраганади | АК-1<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Янги ўзлаштириладиган материалларни тушунтириш /такрорлаш/ мустаҳкамлаш | 7- минут |  ***Янги мавзу баёни:*** ***Ўқитувчи*** «ақлга ҳужум» ***усули орқали ўқувчиларни дарсга чақиради.***<br>***Чақириш босқичи***:<br>*Болалар* қуйидаги сўзлар таркибидан ўтилмаган товушни аниқлайди, уларни белгилайди.<br>Масалан: ба-лиқ, бу-лоқ, ари-қ, бар-моқ,<br>Қ товуши ундош товуш.<br>Қ товуши билан бошланган  сўзлар топишади.<br>Қа,қо,қи,қу,қў.<br>қар-моқ, а-риқ, ба-лиқ, бар-моқ, бу-лоқ, су-воқ.<br>Булоқ.<br>Биз булоқ бўйида бўлдик. Булоқ суви тиниқ ва тоза. У ер салқин экан. Мен Мақсуд, Қамбар ва Қосим дам олиб қайтдик.<br>Тез айтиш.<br>Содиқ сариқ фалам билан<br>сариқ қовоқ расмини солди.<br>Мақол.<br>Бола азиз, одоби ундан азиз.<br>Китоб ақл бойлиги.<br>Шеър.<br>Бошда бир ҳарф бўлмаса<br>Бўлиб қолади алам<br>Ҳамма эшитувчи қулоқ<br>Бўлиб олади улоқ. |  Ўқувчилар ўқитувчининг саволларига жавоб беришади.<br>Ўқувчилар жуфтлари билан ҳамкорликда саволларга жавоб берадилар.<br>Жуфтликлар тасаввурларини айтади.<br> Жуфтликлар тасаввурларини айтади.<br>Жуфтликлар бўғинларни ўқишади.<br>Ўқувчилар ўз фикрларини айтишади<br>Сўзлар маъносини ўз фикрлари билан ифодалайдилар..<br>Ўқувчилар оғзаки "Эссе" айтишади.ва синф ўқувчиларига эшиттиради.<br>Булоқ мавзуни таҳлил қилишади.<br>Ўзлари ёд олган тез айтишларни айтишади.<br>Ўзлари ёқтирган ёд олган мақолларни айтишади.<br>Шеърлар айтишади. | АК-1<br>АК-2<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалинилади |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Олган материални қўлланиш ва мустаҳкамлаш | 20- минут | Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ватман ва рангли фломастерлар беради.<br>1- станциядаги ўқувчиларга мавзудаги сўзлар луғати билан ишлашни ёки асар қаҳрамонлари расмини чизишни топширади.<br>2- станцияга «Асар воқеалари тартиби» ни аниқлашни ва асарнинг воқеалар тартибини чизиб ёзиш вазифасини беради.<br><br>3- станцияга Сиз шу ҳикояни қандай якунлар эдингиз саволига жавоб сифатида ижодий ёзув. Оғзаки ҳикоя тузишади.<br>4-станцияга келганда ҳар бир гуруҳ станцияларда бажарган ишларини тақдимот қилишлари айтилади.<br>Ва тақдимотни ўқитувчи кузатиб комментарийлаб туради.<br> | 1- станциядаги ўқувчилар ривоятдаги сўзлар луғати билан ишлашни ёки асар қаҳрамонлари расмини чизадилар<br>2- станциядаги гуруҳ «Асар воқеалари тартиби» ни аниқлайдилар ва асарнинг воқеалар тартибини чизиб, ёзадилар<br>3- станцияда гуруҳлар Шу ҳикояни қандай якунлаш кераклиги ёки ўзлари шу мавзуда ижодий ёзув (эссе, ҳикоя, ривоят ёзадилар.<br><br>Ҳар 10 минутда станциядаги гуруҳлар ротацияланади, яъни ўринларини алмашишади. Шу тарзда учала гуруҳ ҳам барча станцияларда бўлиб<br>4-станцияга келганда ҳар бир гуруҳ станцияларда бажарган ишларини тақдимот қиладилар.<br><br> | АК-1<br>АК-2<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |

<table>
<tr>
<td></td>
<td>Рефлексия (дарс якунини чиқариш</td>
<td>7- минут</td>
<td><br>Ўқитувчи дарсни якунлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга:<br>Азиз ўқувчилар, келинг бугунги дарсимизни якунлаш учун қуйидаги саволларга жавоб берсангиз.<br>• Биз бугун олдимизга қандай вазифа қўйган эдик?<br>• Биз бу вазифаларни бажара олдикми?<br>• Қандай йўл билан бажардик?<br>• Биз кандай натижаларга эришдик?<br>• Биз яна нима қилишимиз керак?<br>• Янги билимларни қандай қўллана олар эканмиз?<br>Саволларга жавоб олингач, ўқувчилар ўзини ўзи баҳолаш варақаларидаги смайликлар билан баҳолаганликларини эшитади ва гуруҳларни ва ўқувчиларни баҳолайди.<br>Ўзини ўзи баҳолаш варақаси<br>
<table>
<tr><td>Мен буни бажаришим учун кўп нарсани билишим керак.</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни бажара оламан</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни яхши бажардим</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни аъло даражада бажардим.</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
</table>
</td>
<td><br>Ўқувчилар, бугунги дарсимизни якунлаш учун қуйидаги саволларга қуйидагича жавоб берадилар.<br>• Биз бугун мавзуни фодали ўқишни ва мазмунини ўзлаштириш вазифасини қўйган эдик.<br>• Биз бу вазифаларни бажара олдик.<br>• Биз дарс давомида ҳикоядаги сўзларнинг маъносини билиб олдик.<br></td>
<td>АК-1<br>АК-3</td>
<td>ФК-2<br>ФК-3</td>
<td>Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади</td>
</tr>
<tr>
<td>8.</td>
<td>Уйга вазифа</td>
<td>3- минут</td>
<td><br>МАвзуни қайта ўқиш. Балиқ, қўзиқорин расмлар чизиш вазифаси берилади.</td>
<td><br>Ўқувчилар уйда мавзуни қайта ўқиб балиқ, қўзиқорин расми чизадилар</td>
<td></td>
<td></td>
<td>баҳолаш усулларидан</td>
</tr>
</table>

## Ўзган шаҳар Амир Темур

## номли 5-ўрта мактаб

## USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси

Адабий ўқишдан бир соатли дарс ишланма

## Мавзу: Етти қарокчи

**Бажарган бошланғич синф ўқитувчиси: М Сатимбоева.**

# USAIDнинг «Окуу керемет» лойиҳаси дарс ишланма

**1. Умумий маълумот**

| | |
|---|---|
| **Область, район: Ўш вилояти , Ўзган шаҳри** | **Мактабнинг номи: Амир Темур номли №5 ўрта мактаб** |
| **Ўқитувчининг исми ва фамилияси:** **Мотабархон Сатимбоева** | **Синф: 4- синф** |
| **Предмет: Адабий ўқиш** | **Дарснинг мавзуси: Етти қароқчи** |

| | | | | | НК | ПК | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Ташкилий қисм** | **2- минут** | Ассалому алайкум бизнинг бугунги адабий ўқиш фанидан ўтилаётган дарсимиз меҳмонлари ва азиз болалар. Синфимизда ҳамма ўқувчилар борми? Биз адабий ўқиш дарсимизни ўтишга тайёрмизми?<br>Қаранг болалар, бизнинг ўлкамизга кумуш қиш ўзининг оппоқ қор парчаларини ўйнатиб, арча байрамлари бўлишидан, янги йил келишидан хабар бериб, кириб келди. Келинг, бугунги дарсимизни бошлашимиздан олдин бир-биримизга янги йилда эзгу тилаклар тилаб яхши кайфият улашсак ва мен сизларга қор парчалари, арча ва қорбобо ларни тарқатсам.(Расмларга қараб бўлинадилар.<br>Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига қараб расмларни беради ва "Окуу керемет" лойиҳасининг "Станцияларни ротациялаш" усули билан дарс ўтилишини тушунтиради. | Навбатчи: Устоз, бизнинг синфимизда рўйхат бўйича 27 ўқувчи бўлиб, улардан 26 таси дарсга қатнашмоқда. 1 ўқувчи касаллиги сабабли дарсда йўқ. Биз адабий ўқиш дарсини ўтишга тайёрмиз.<br>Ўқувчилар янги йил келишидан хурсанд бўлиб, бир- бирларига янги йил тилакларини айтишади ва ўқитувчининг қор парчалари, арча ва қорбобо расмларини оладилар ва гуруҳларга бўлинадилар.<br>1- станцияда -қор парчалари гуруҳи<br>2- станцияда - арча гуруҳи<br>3- станцияда –қорбобо гуруҳи<br>4- станция- бўш бўлади | АК-1<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | **Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | **Мотивация** | **3- минут** | Ҳар кимда орзу истак,<br>Танларда толмас билак,<br>Бўлса қанча кўп тилак,<br>Бунга, албат, ўқиш керак.<br>Шундай экан, сиз келажакда энг яхши мақсад ва тилакларга етишишингиз учун, албатта, нима қилиш керак?<br>Яхши ўқиш учун олтин қоидаларга амал қилиш керак. Ўқувчиларга ўқитувчи ҳар бир гуруҳга 2 тадан ўйинчоқ қор парчаларини беради. | Албатта, ўқиш керак.<br><br>Ўқувчилар арча ўйинчоғи шаклидаги қор парчаларига биттадан олтин қоида ёзиб, синф дарстахтасидаги Арчага иладилар ва олтин қоидаларни такрорлайдилар | АК-1 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |
| 3. | **Ўқув масалаларини шакллантириш ва ўқув фаолиятини аниқлаш** | **3- минут** | Азиз ўқувчилар, мен сизларни бизнинг бугунги дарсимизнинг мақсади, кутилувчи натижалари билан таништириб, сизларга эса энг яхши тилакларимни айтсам.<br><br>Дарсимизнинг мақсади:<br>Таълимий: Ўқувчилар "Етти қароқчи" ривоятини ифодали ўқийди, мазмунини ўрганади.<br><br>Ривожлантирувчи: Ривоятнинг мазмуни ва ғоясини аниқлайди, қўшимча маълумотлар билан кенгайтиради.<br><br>Тарбиявий: Осмон жисмлари ҳақида илмий адабиётларни ўқишни ўрганади. | Ўқувчилар, бугунги дарснинг мақсади, дарс сўнгида кутилувчи натижалари билан танишадилар, ўқитувчи-нинг энг яхши тилакла-рини эшитадилар.<br><br>Кутилувчи натижалар:<br>Ривоятни ифодали ўқийди, мазмунини билади.<br><br>Ривоятнинг мавзуси ва ғоясини билади ва қўшимча маълумотлар билан кенгайтира олади<br><br>Осмон жисмлари ҳақида манбаларни топа олади. | АК-1<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4. | **Янги ўзлаштириладиган материалларни тушунтириш /такрорлаш/ мустаҳкамлаш** | **7- минут** | *Янги мавзу баёни: Ўқитувчи* «ақлга ҳужум» *усули орқали ўқувчиларни дарсга чақиради.*<br>*Чақириш босқичи: Болалар, Коинот нима? Юлдузларни кузатганмисиз? Айиқ, чўмичга ўхшаган юлдузлар тўпини биласизми? саволларига жавоб олади ва расм орқали «Етти қароқчи» (чўмич юлдузи) юлдузини кўрсатади ва юлдузлар туркуми ҳақида маълумот* бериб янги мавзуни эълон қилади.<br>Ўқитувчи ривоятни ифодали ўқий бошлайди ва келгуси тўхтамдан бошқа ўқувчининг елкасига аста қўлини қўяди ва у ўқувчи ўқийди, шу тарзда ривоят ўқилади. Ўқувчиларга коинот сирлари ҳақида болалар адабиётларидан, энциклопедиялардан айрим маълумотларни айтиб беради ватаншунослик дарси билан интеграциялаб ўқувчиларга ҳам қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тавсия этлади | Ўқувчилар ўқитувчининг саволларига жавоб беришади.<br>*Коинот нима?*<br>*Юлдузларни кузатганмисиз? Айиқ, чўмичга ўхшаган юлдузлар тўпини биласизми? саволларига жавоб берадилар.*<br> | АК-1<br>АК-2<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |
| 5. | **Физкульт минутка** | **3- минут** | <br>Балиқ каби сузамиз<br>Шамол каби эсамиз<br>Биз билағон боламиз<br>Қушдек парвоз қиламиз | <br>Ўқувчилар физминуткани тўлиқ барадилар | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Олган материални кўлланиш ва мустаҳкамлаш | 20- минут |  Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ватман ва рангли фломастерлар беради.<br>1- станциядаги ўқувчиларга ривоятдаги сўзлар лугати билан ишлашни ёки асар қаҳрамонлари расмини чизишни топширади.<br>2- станцияга «Асар воқеалари тартиби» ни  аниқлашни ва асарнинг воқеалар тартибини чизиб ёзиш вазифасини беради.<br> <br>3- станцияга Сиз шу асарни (ривоятни) қандай якунлар эдингиз саволига жавоб сифатида ижодий ёзув (эссе, ҳикоя, ривоят ёзишни ёки болалар адабиётидан мисоллар келтириш тавсия этилади. Ҳар 10 минутда станциядаги гуруҳлар ротацияланади, яъни ўринларини алмашишади. Шу тарзда учала гуруҳ ҳам барча станцияларда бўлиб<br>4-станцияга келганда ҳар бир гуруҳ станцияларда бажарган ишларини тақдимот қилишлари айтилади.<br>Ва тақдимотни ўқитувчи кузатиб комментарийлаб туради. |  1- станциядаги ўқувчилар ривоятдаги сўзлар луғати билан ишлашни ёки асар қаҳрамонлари расмини чизадилар<br>2- станциядаги гуруҳ  «Асар воқеалари тартиби» ни аниқлайдилар ва асарнинг воқеалар тартибини чизиб, ёзадилар<br>3- станцияда гуруҳлар Шу ривоятни қандай якунлаш кераклиги ёки   ўзлари шу мавзуда ижодий ёзув (эссе, ҳикоя, ривоят ёзадилар.<br><br>Ҳар 10 минутда станциядаги гуруҳлар ротацияланади, яъни ўринларини алмашишади. Шу тарзда учала гуруҳ ҳам барча станцияларда бўлиб<br>4-станцияга келганда ҳар бир гуруҳ станцияларда бажарган ишларини тақдимот қиладилар. | АК-1<br>АК-2<br>АК-3 | ФК-2<br>ФК-3 | Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади |

<table>
<tr>
<td>7.</td>
<td>Рефлексия (дарс якунини чиқариш</td>
<td>7- минут</td>
<td>Ўқитувчи дарсни якунлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга:<br>Азиз ўқувчилар, келинг бугунги дарсимизни якунлаш учун қуйидаги саволларга жавоб берсангиз.<br>• Биз бугун олдимизга қандай вазифа қўйган эдик?<br>• Биз бу вазифаларни бажара олдикми?<br>• Қандай йўл билан бажардик?<br>• Биз қандай натижаларга эришдик?<br>• Биз яна нима қилишимиз керак?<br>• Янги билимларни қандай қўллана олар эканмиз?<br>Саволларга жавоб олингач, ўқувчилар ўзини ўзи баҳолаш варақаларидаги смайликлар билан баҳолаганликларини эшитади ва гуруҳларни ва ўқувчиларни баҳолайди.<br>Ўзини ўзи баҳолаш варақаси
<table>
<tr><td>Мен буни бажаришим учун куп нарсани билишим керак.</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни бажара оламан</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни яхши бажараман</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
<tr><td>Мен буни аъло даражада бажараман.</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td><td>☺</td></tr>
</table>
</td>
<td>Ўқувчилар, бугунги дарсимизни якунлаш учун қуйидаги саволларга қуйидагича жавоб берадилар.<br>• Биз бугун олдимизга ривоятни ифодали ўқишни ва мазмунини ўзлаштириш вазифасини қўйган эдик.<br>• Биз бу вазифаларни бажара олдик.<br>• Биз дарс давомида ривоятдаги сўзларнинг маъносини билиб олдик.<br>• Биз асар воқеалари тартиби ёрдамида бу ривоятнинг бошланиши, тугуни, кульминацияси, ечими ва нима билан якунланишини осмон жисмлари ҳақида кўпроқ маълумотларни билиб олдик?<br>• Биз яна кўпроқ илмий ва бадиий адабиёт-ларни ўқишимиз керак экан.</td>
<td>АК-1<br>АК-3</td>
<td>ФК-2<br>ФК-3</td>
<td>Форматив баҳолаш усулларидан фойдалнилади</td>
</tr>
<tr>
<td>8.</td>
<td>Уйга вазифа</td>
<td>3- минут</td>
<td>Ривоятни қайта ўқиш.<br>Юлдузлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва расмлар чизиш вазифаси берилади.</td>
<td>Ўқувчилар уйда ривоятни қайта ўқиб юлдузлар ҳақида маълумотлар тўплайдилар ва юлдузларни кўриб расмлар чизадилар</td>
<td></td>
<td></td>
<td>Суммативбаҳолаш усулларидан</td>
</tr>
</table>